

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, Н.ИКРАМОВА

Ядросида Мейер функцияси қатнашган каср тартибли интегродифференциал операторлар композициясининг бир хоссаси ҳақида 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.МИРЗАҚУЛОВ, Х.ШЕРМАТОВА, З.МУҚИМОВА

Физика ўқитувчисининг таълимга инновацион ёндашуви 8

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Д.КОМИЛОВА

Барг ўровчи кўнғизлар (Coleoptera: attelabidae)нинг тарқалиши ва қисқача ўрганилиш босқичлари 12

М.АҲМАДАЛИЕВ

Дифурфурилиденацетоннинг олигомерланиши.-I. 15

М.ИСМОИЛОВ, Х.ЖУРАЕВ

Қовушқоқликни оширувчи кўндирмалар олиш 20

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

В.МАХМУДОВ

Кўп йиллик бошоқдош ўсимликларни Ўзбекистон адирларида интродукция қилиш 24

М.ҒОЗИЕВ

Беда остига солинган ҳар хил органик-кимёвий моддаларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсири 27

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒАФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шакллантириш хусусиятлари 30

О.ТҮЙЧИЕВА

Тўқимачилик корхоналарида лизинг муносабатларининг ривожланиш тенденциялари 33

Қ.ЮСУПОВ

Суғуртанинг бозор иқтисодиётидаги афзаллиги ва самарадорлиги 36

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ

Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёти ва самарадорлиги..... 40

Б.ТҮЙЧИЕВ, У.НАЗИРОВ

Фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларнинг ўрни 45

Н.ПУЛАТОВА

Аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш масалалари 49

Ф.ЮЛДАШЕВ

Фалсафада этика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари..... 52

Н.РАҲИМБАБАЕВА

Донишмандлар масъулият ҳисси ҳақида 55

М.ЭРГАШЕВА

Совет ҳокимияти даври (1919-1945 йй.)да архив ҳужжатларини жамлаш 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.АБДУРАҲМОНОВ

Кўёш образи ва унинг поэтик функцияси 63

ТИЛШУНОСЛИК

С.ҚУРБОНОВА

Лингвистик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлишига доир 66

УДК: 93+39

ДОНИШМАНДЛАР МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ҲАҚИДА

Н.Раҳимбабаева

Аннотация

Мақолада масъулият ҳисси тушунчасининг этик хусусиятлари Фарб ва Шарқ алломалари фикрлари асосида ёритилган. Унда, айниқса, педагог мутахассисларнинг ўз касбига масъулияти масаласига алоҳида урғу берилган.

Аннотация

В статье раскрываются этические особенности понятия чувства ответственности на примере, взглядов мыслителей Запада и Востока, при этом внимание акцентируется на вопросе ответственности педагогов за свою профессию.

Annotation

The article reveals the ethical features of the notion of a sense of responsibility, in the views of the thinkers of the West and the East. Also special attention is paid to the responsibility of teachers to their profession.

Таянч сўз ва иборалар: анъаналар, индивидуал одатлар, миллий одатлар, аждодлар тажрибаси, этник маданият, оилавий маросимлар.

Ключевые слова и выражения: традиции, индивидуальные привычки, национальные обычаи, опыт предков, этническая культура, семейные традиции.

Key words and expressions: tradition, individual habits, national customs, experience of the ancestries, etnical culture, familial customs.

Шахсга йўналтирилган таълим ҳозирги замон таълим тизимида асосий тамойиллардан саналади. Бу таълимга кўра, ўқитувчи учун ҳар бир талаба алоҳида, ўзига хос шахс саналади. Талабага ҳурмат билан муносабатда бўлинадиган, талабанинг руҳий ҳолати тўғри баҳоланади, унинг хоҳиш-истак, қизиқишлари инobatга олинади, ҳуллас, ҳар бир талабага бағрикенглик билан ёндашилинадиган. Талабанинг куч, имконият ва интилишлари турли усуллар билан рағбатлантирилади.

Шу билан бирга, талаба фаолияти назорат қилинадиган. Унинг фаолиятига танқидий назар билан қаралади. Шахснинг ўзидан бошқа кишиларга, яъни яқинлари, устозлари, дўстлари ва беғоналарга адолатли муносабатда бўлмоғи талаб этилади. Ютуқлари омиллари ва йўл қўйилган хатолари оқибатлари ўзлари томонидан таҳлил қилинишига ўргатилади. Талабанинг шаъни, ғурурига зиён етказмаган ҳолда у томонидан йўл қўйилган хатолар бартараф этилади, мана шу асосда талабанинг қобилиятини ўстириш ва шахс сифатида ривожланишига ёрдам берилади [1.9].

Юқорида санаб ўтилган тарбия усуллари ичида талабада масъулият ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Инсон бирор жамият ёки жамоада яшар экан, у ана шу муҳитда мавжуд бўлган ижтимоий тартиб-қоидаларга бўйсунушига мажбур. Агар шахс ўз хатти-ҳаракатларига танқидий ҳамда холисона ёндашишга қобил бўлса, унда масъулият ҳисси ўз-ўзидан тарбияланиб боради.

Замонавий ҳаётимизга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги демократик ва фуқаролик жамияти куриш жабҳаларида ҳукуматимизнинг раҳбар ходимлардан талаб қилаётган асосий талаби ҳам шахсий масъулиятни ҳис этиб фаолият олиб бориш эканлиги маълум бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий иқтисодий-ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари” мавзусида Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида шундай деган

Н.Раҳимбабаева – ТДИУ ижтимоий фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

эди: “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ўринбосари ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими, улар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак. Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди” [2.6].

Масъулият бажарилиш жиҳатидан доимий ёки муваққат турларга бўлинади. Отанинг фарзанд олдидаги масъулияти, онанинг боласи олдидаги масъулияти, эрнинг хотин олдидаги масъулияти, қизнинг онаси олдидаги, ўғилнинг ота-она олдидаги масъулияти уларнинг умри давомида давом этади. Муваққат масъулият вазият тақозосига кўра пайдо бўлиб, муайян вақтдан сўнг у ўз кучини йўқотиши мумкин. Масалан, кўшнининг кўшни олдидаги, устознинг талаба олдидаги, ҳайдовчининг йўловчи олдидаги, врачнинг мижоз олдидаги, сотувчининг харидор олдидаги, раҳбарнинг қўл остидагилар олдидаги, ходимнинг ўз раҳбари ва ҳамкасблари олдидаги, спортчининг ўз жамаоиси олдидаги, улфатнинг улфатдоши олдидаги, қарздорнинг қарздор олдидаги масъулияти шундай масъулиятлар жумласига киради.

Шахсий масъулият нима? Шахс масъулияти, аввало, ҳар бир мамлакатнинг Конституциясида белгилаб қўйилган қонунларга амал қилиш, иккинчидан, бошқа фуқароларнинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш, жамият манфаатларига зид ва ножўя ҳаракатларга муросасиз бўлиш, учинчидан, ота-она, устоз, маҳалла ҳамда она-Ватанга хизмат қилиш ҳиссидир. Бу ҳис шахснинг дастлаб ўзида меҳнат қилиш масаласини эгаллаши, маънавий, сиёсий онгининг ошиб бориши, ахлоқий ва нафосат туйғуларини ўзида шакллантириб бориши натижасида шаклланади. Агар шахс мактаб ёшидан бошлаб умуминсоний қадриятларни

ўзлаштириб борса, автоматик равишда масъулиятли инсон бўлиб шаклланиб боради. Яъни, инсоният томонидан яратилган умуминсоний манфаатларга ва халқларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда яшашлари ва ривожланишлари учун хизмат қиладиган умуминсоний ахлоқ, халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий, фалсафий, диний муносабатлар тажрибаси ва малакаларини ўзида мужассамлаштиради.

Ғарб мутафаккирлари ҳам масъулият ҳисси ҳақида жуда қимматли фикрларни баён этганлар. Аҳамиятли томони шундаки, уларнинг фикрлари турли вазиятларни эътиборга олиб айтилган. Машҳур француз мутафаккири Ж.Руссо отанинг оила олдидаги масъулияти ҳақида шундай талабларни баён этади: “Ота болаларни бино қилиш, уларни едириб-ичириш билан ўз зиммасидаги вазифанинг учдан бирини бажарган бўлади. У болаларини жамият қаторига қўшмоғи, жамиятга эса фаол кишиларни, давлатга гражданини етиштириб бермоғи керак. Шу учала қарзини узиши мумкин бўлгани ҳолда, бажармаса, ҳар қандай киши айбдордир. Кимки зиммасидаги оталик бурчини бажармаса, у ота бўлиш ҳуқуқидан маҳрумдир” [3.327]. Шуниси диққатга лойиқки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ота-оналар фарзандларини боқиб, уларга яхши тарбия беришга масъулдир, деб ёзиб қўйилган. Инглиз адиби Томас Фуллер (1608-1661) эса “Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам уйида ўғрини боқаётган бўлади”, дея ҳар бир отанинг ўз боласи тарбиясига жиддий масъулият билан муносабатда бўлмоғи зарурлигини ёдимизга солади [4.328].

Шарқ алломалари асарларига мурожаат қилсак, уларда шахс тарбиясига масъуллик ҳақидаги қимматли фикрларга дуч келамиз. Уларда қандай вазият ҳақида сўзланаётган бўлмасин, масъулият ҳисси доимо эътиборда тутилиши маълум бўлади. Зеро, инсон жамиятда одамлардан раҳмат ёки лаънатни, мукофот ёки жазони, савоб ёки гуноҳни масъулиятли ёки

масъулиятсизлиги оқибатида олади. Масъулиятни ҳис қилиш инсоннинг бошқалар орасида обрўсини оширади, унга бўлган ишончни кучайтиради.

Бугунги кунда бозор муносабатларига ўтиш шарофати билан давлат ташкилотлари қатори нодавлат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Хусусий тадбиркорлар бошқа одамларни лаёқатга қараб иш билан таъминламоқдалар. Ўтган аср бошларида бундай тадбиркор ва иш берувчиларни “валинеъмат”, яъни бировнинг ризқ-насиба топишига сабаб бўлувчи киши, деб аташган. Муаллиф бировнинг хусусий ишхонасида ишловчи одам ўз валинеъматига қандай муомала қилиши ва шахсий масъулияти қандай бўлиши лозимлиги ҳақида шундай ёзади: “Унинг топшурган хизматларини анжомига сайъ ва эҳтимом этгай, ҳозир ва ғойибда (ёнида ёки у йўқ пайтда)

валинеъматнинг берган неъматининг шукрига масруф (рози) бўлгай. Валинеъматдан ҳар нима содир бўлса, уни мустаҳсан (яхши) билгай. Ва унинг асрорини бегоналардан маҳфий тутгай. Агар ўзининг валинеъмати, яъни хожасидан малол зоҳир бўлса, душманлик деб билмагай, ёмонлик қилмоққа бел боғламагай. Нонкўрлик қилмагай. Агар бир ишни маслаҳат кўрмоқчи бўлса, мулойимлик ила арз этгай” [7.19].

Маълум бўлмоқдаки, инсоният учун раҳмат қилиб юборилган донишмандлар жамият тараққиёти учун муҳим бўлган масъулият ҳисси ҳақида бизларга етарли даражада мерос қолдиришган. Умуминсоний ва миллий-маънавий матнлар бизга ўтмишда яшаб ўтган алломаларнинг ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш йўлидаги заҳматли меҳнатларидан хабардор этади.

Адабиётлар:

1. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: Сано стандарт, 2015.
2. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Тафаккур гулшани (В.Воронцев композицияси). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
4. Умр ва нафс. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.
5. Ҳусайнхон Мушкин. Меҳригиё. – Т.: Mumtoz so'z, 2011.

(Тақризчилар: Ф. Турғунбоев, фалсафа фанлари доктори, профессор).